

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«30 « июль 20 19 г.

№ 636

Loshkent sh.

**Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда,
шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш
фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юк ва йўловчи ташиш тизимиши тубдан такомилташтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 мартағи НК-4230-сон қарорига мувофик, автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофик:

1. Куйидагилар:

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофик:

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензия варакатлари берилганини учун ундирилладиган давлат божи миқдорлари 2-иловага мувофик тасдиқлансан.

2. Ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофик юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар кўрсатилидиган давлат хизматларидан фойдаланиши учун факат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали мурожаат киладилар.

3. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги кошидаги Электрон ҳукумат ва ракамли иктисолидёт лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда давлат хизматлари кўреатилишининг хар бир босқичида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларининг мурожаатлари кўриб чиқилишини ЯИДХПда қузатиб бориш тартибини жорий этсин.

4. Белгилаб кўйилсанки, давлат хизматлари кўреатувчи давлат органдари ва бошқа ташкилотлар хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган вазифалар ўз вактида, тўлик ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги икки ой муддатда Давлат солик қўмитаси билан биргаликда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш ҳамда янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халкаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хакида” 2018 йил 5 декабрдаги 994-сон карори ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу карорга мувофиқлаштирун.

8. Мазкур карорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари – транспорт вазири А.Ж. Раматов ва аддия вазири Р.К. Давлетов зинмасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 июндағы 636-сон карорига
1-илова

**Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишпинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Регламент автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лицензия варажаси – лицензия талаблари ва шартларига мажбурий тарзда риоя килинган холда йўловчилар ва юкларни ташинлаша фойдаланилади ан хар бир автотранспорт воситасига лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун бериладиган руҳсатнома (лицензия);

тижорат асосида йўловчиларни ва юкларни ташиш – тижорат асосида, яъни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йўли билан автотранспорт воситаларида йўловчиларни ва юкларни ташини хизматини кўрсатиш натижасида даромад олиш.

3. Тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланади.

Тижорат асосида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Аходининг хаёти ва соёлигини хавф остига кўйган табиий оғатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш хамда Ҳукуматинин қарорлари бўйича авария-кутқарни ва тикланышлари амалга оширилиши ва мурувват юклари етказиб берилшин талаб этишини билан бөглик ташишларни амалга оширишга, электрон тижорат орқали реализация килинган товарларни сotувчига ва етказиб берувчига шахсий мулк, ижара ва бошқа фойдаланиш хуқукига асосан тегинли бўлган автомобиль транспортида Узбекистон худуди бўйиб етказиб беришга, аэропортдан, темир йўл вокзаллари ва автостанциялардан меҳмонхонага ва ундан қайтишга, ўз эҳтиёжлари учун юкларни технологик ташиши учун, шунингдек, туризм обьектларига ўзининг ижарачиларирига транспорт хизматини кўрсатиш учун хамда “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Узбекистон Республикаси Конуининг 9-моддасида назарда тұнгын ташкилотларга лицензия олиш талаб этилмайди, конун хужжатларида белгиланган холатлар бундан мустасно.

5. Лицензия бериш, шунингдек, конун хужжатларида белгиланган холатларда лицензиянинг амал килишини тўхтатиб турни ёки тўхтатиш, шунингдек, уни бекор килиш ва кайта расмийлаштириши Узбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги,

Коракалпогистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошкармалари (кейинги ўринларда лицензияловчи органлар деб аталади) томонидан тегишил қарорлар кабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) – йўловчиларни ва юкларни халқаро ташиш бўйича лицензиялар бериш, лицензияларнин амал қилишини тўхтатиб турни ёки тўхтатиш, шунингдек, уларни бекор қилиш ва кайта расмийлаштириш амалга оширилади;

Коракалпогистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошкармалари (кейинги ўринларда Вазирликнинг худуний бошкармалари деб аталади) томонидан – йўловчиларни ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ташини бўйича лицензиялар бериш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб турни ёки тўхтатиш, шунингдек, уларни бекор қилиш ва кайта расмийлаштириш амалга оширилади.

6. Вазирликка лицензияловчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, лицензиялаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси худудидаги лицензияларнинг йигма реестрини юритиш, лицензияловчи органлар томонидан автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш соҳасидаги конун хужжатларига риоя этилишини назорат кисини вазифалари юкланди.

7. Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишилар бўйича гапини ҳукуки учун ушбу Регламентга 1-иловага мувофик намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Ариза берувчининг сўровномасига кўра лицензия қўйидаги фаолият турлари учун берилади:

- а) йўловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш;
- б) йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш;
- в) йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш;
- г) йўловчиларни шаҳар атрофига автобусларда ташиш;
- д) йўловчиларни шаҳар атрофига микроавтобусларда ташиш;
- е) йўловчиларни шаҳар атрофига енгил автомобилларда ташиш;
- ж) йўловчиларни шаҳарлараро автобусларда ташиш;
- з) йўловчиларни шаҳарлараро микроавтобусларда ташиш;
- и) йўловчиларни шаҳарлараро енгил автомобилларда ташиш;
- й) йўловчиларни халқаро автобусларда ташиш;
- к) йўловчиларни халқаро микроавтобусларда ташиш;
- л) йўловчиларни халқаро енгил автомобилларда ташиш;
- м) юкларни автомобиль транспортида шаҳарда ва шаҳар атрофига ташиш;
- н) юкларни автомобиль транспортида шаҳарлараро ташини;
- о) юкларни автомобиль транспортида халқаро ташини.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юк автомобили ёки шатакчи автомобилъ хамда хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган тиркама ёки ярим тиркамадан иборат транспорт воситалари таркибидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган халкаро ташишда юк автомобили ёки шатакчи автомобилига олинган лицензия варакаси транспорт воситаларининг буғун таркиби учун амал килади.

Лицензиат лицензияловчи органга мурожаат қилинганда бир ариза билан ушбу лицензияловчи орган томонидан бериладиган лицензия турларининг бир неча қисмини олиш ҳукуқига эга.

Халкаро йўналишлар бўйича юкларни ташишни амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензия варакасига эга бўлган автомобилда миллий юк ташувчилар унга мувофиқ шахарлараро йўналишларда юк ташинини амалга ошириш ҳукуқига ҳам ҳадирлар.

Юкларни автомобиль транспортида ташишда фойдаланиладиган шатакчи автомобилларга лицензия варакалари берилини учун давлат божи тўлаш талаб этилмайди.

Шахарлараро йўналишлар бўйича йўловчиларни автобусларда ёки микроавтобусларда ташиш ҳукукини берувчи лицензия варакасига эга бўлган автотранспорт воситаларидан маъжлий ва хорижий фуқароларни шаҳарда ва шаҳар агрофилда туристик-экскурсия қилиш йўналишларида (номунтазам йўналишларда) йўловчи ташинини амалга ошириш учун кўшимча лицензия варакаси олиш талаб этилмайди.

8. Лицензиянинг амал килиш муддати чекланмайди.

9. Лицензия асосида ҳар бир автотранспорт воситасига ушбу Регламентга 2-илювага мувофиқ лицензия варакаси берилади.

Лицензия варакасининг амал килини муддати ашёвий ҳукуклар ёки ижара шартномасининг амал килиш муддати билан чекланади. Лицензия варакасининг амал килиши лицензия варакаси берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Лицензия варакалари билан таъминланмаган автомобиль транспорти воситасидан фойдаланган ҳолда тижора асосида йўловчиларни ва юкларни ташинига йўл кўйилмайди. Ушбу ҳолатлар юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқукий таъсири чоралари кўлтанилади.

10. Кўйидагилар:

ариза берувчининг сўровномасига кўра лицензияловчи орган карорига биноан фаолият турига лицензия;

ариза берувчининг сўровномасига кўра автотранспорт воситаларининг ҳаракатидаги таркибиға фаолият турига берилган лицензия асосида – лицензия варакалари;

мазкур Регламентнинг 32-бандида назарда тутилган ҳолатларда қайта расмийлаштирилган ариза берувчининг сўровномасига кўра – лицензия/лицензия варакалари;

автотранспорт воситасининг давлат раками белиси ўзгарганда, автотранспорт воситасининг юк кўтариш ёки йўловчи сингми кўпайганда (камайганда), бир автотранспорт воситаси шу турдаги бошка автотранспорт воситасига алмаштирилганда ушбу автотранспорт воситасидаги мавжуд лицензия варакалари асосида ариза берувчининг лицензия варакаларини қайта расмийлашириш бўйича ариза сига кўра – қайта расмийлаштирилган лицензия варакалари берилади.

Ушбу бандда белгиланган хар бир холатда ариза берувчи (ёки лицензиат) автотранспорт воситалари мавжуд бўлган тақдирда, уларниң мулк ҳукуки, ашёвий ҳукуклар ёки ижара асосида тегишлилиги тўғрисидаги маълумотлар билан бирга автотранспорт воситаларининг рўйхатини сўровномада кўреатади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

11. Куйндагилар автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари хисобланади:

а) лицензиат томонидан автотранспорт воситаларидан фойдаланишда, уларни шайлашда конун ҳужжатларига, танини кондидарига мажбурий риоя килинини, йўл-транспорт ходисаларининг оддини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши;

б) юридик шахс штатида йўл харакати хавфесизлигини таъминлаш ва автотранспортлардан фойдаланиш учун масъул бўлган, белгиланган тартибда аттес гациядан ўтган мансабдор шахсларнинг мавжуд бўлиши;

в) лицензиат фойдаланаётган хар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варакаси мавжуд бўлиши;

г) автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтганини ва техник жиҳатдан созлигини тасдиқловчи ҳужжатларининг мавжуд бўлиши;

д) конун ҳужжатларига мувофик фукароларини айрим тоифалари имтиёзли ташиниши;

е) тендерлар натижалари бўйича, ваколатни органлар билан шартнома асосида йўловчиларни йўловчилар ҳукукларига, харакатланишининг белгиланган жадвалиларига, транспортда юрини тарифларига риоя этган, йўловчиларининг белгиланган тоифаларини бенду ва имтиёзли тарзда танинини таъминлаган, конда бузиш, антисанитария холатларига, хизмат кўреатиш сифатининг паст бўлишига йўл кўймаган холда автомобилда мунтазам ташиш (йўналишили таксилилардан ташкири);

ж) ташин ва ёнгин хавфесизлиги талабларини бажарни, автотранспорт воситасини техник жиҳатдан сез холатда саклаш, уни асрар, техник кўрикдан ўтказиши, техника хавфесизлигини таъминлаш, автотранспорт воситаларини йўлга чиқишдан оддин техник кўрикдан ўтказиши ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиши;

з) янгидан олинаётган ва тўлдирилаётган автотранспорт воситаларига лицензиатлар томонидан қўшимча лицензия варакаларининг ўз вактида олиниши;

и) шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро йўналишида автомобилда танинларин амалга ошираётган автотранспорт воситаларида сервис устахонасининг тамғаси қўйилган назорат приборлари (таксографлар) мавжуд бўлиши;

к) йўналишиз таксилиларининг техник холати ва асбоб-ускунайларининг йўл харакати хавфесизлигини таъминлашга доир норматив-ҳукукий ҳужжатлар талабларига, таники кўринишига ва анжомларига, ятона талиш белгилари билан жиҳозлашга кўйиладиган талабларга мувофиклиги.

3-боб. Лицензия олиш учун зарур бўлган маълумотлар

12. Лицензия олиш учун ариза берувчи давлат хизматлари марказига қўйидаги маълумотларни тақдим этади:

а) юридик шахс учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб раками; жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) учун юк ташиш хукукига лицензия олишда – фамилияси, исми, отасининг исми, паспортга ҳамда хайдовчилик гувохномасига оид маълумотлар; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги сўровнома ва/ёки лицензия варакалари олиш учун корхона ихтиёрида бўлган автотранспорт воситаларининг рўйхати билан бирга автотранспорт воситаларининг мулк хукуки, ашёвий хукуклар ёки ижара асосида тегишлилиги тўғрисидаги маълумотлар;

б) ариза берувчидан хайдовчиларни тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ёхуд ариза берувчининг тегишли ихтиоссликдаги ташкилот билан унга тиббий кўрик ва техник кўрикдан ўтиш имконияти яратиб берилиши тўғрисидаги шартномаси мавжудлиги ҳакидаги маълумотлар.

Ариза берувчидан мазкур Регламентда назарда тутилмаган хужжатлар ва маълумотлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл кўйилмайди.

Ариза берувчи тақдим этган маълумотларининг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги учун жавоб беради.

4-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

13. Давлат хизматлари кўрсатиш жараёни ушбу Регламентнинг 3-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

14. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портала (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтади.

15. Ариза берувчи шахсан ўзи борган тақдирда давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан мазкур Регламентга:

4-иловага мувофиқ шаклда автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халкаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятига лицензия бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома;

5-иловага мувофиқ шаклда лицензия варакаларини олиш учун корхона ихтиёрида бўлган автотранспорт воситалари тўғрисида маълумотлар тўлдирилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда эса, ариза берувчи мазкур банднинг иккинчи-учинчи хатбошиларида белгиланган шаклларда сўровнома ва маълумотларни шахсан ўзи тўлдиради.

Ариза берувчидан мазкур бандда кўрсатилмаган маълумотлар ва хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

16. Ариза берувчи маълумотларни расмийлаштиргандан ва сўровномага киритгандан сўнг уни ўз электрон ракамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ деб юритилади) билан тасдиклайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган холларда тегишли имзолар идентификация килишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланниши мумкин.

17. Давлат хизматларини кўрсатгандик учун қонун хужожатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йигим ва автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятни амалга ошириш юзасидан лицензия варакаларини бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда давлат божи ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатганини учун йигим ва давлат божи тўланганини тасдиқланни ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

18. Давлат хизматларидан фойдаланиши учун ЯИДХII орқали мурожаат этилганда 17-бандда кўрсатилган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

19. Давлат хизматларини кўрсатганини учун йигим суммаси тўлиқ миқдорда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамгармасинин махсус ғазначилик хисоб рақамига (кейинги ўринларда Транспорт жамгармаси деб аталади) ўтказилади ва куйидаги тартибда тасвимланади:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташкари жамгармасининг шахсий хисоб рақамига ўтказилади;

10 фоизи – “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қонидаги Электрон хукумат ва рақамили иктисадиёт лойиҳаларини бошқарини маркази” ДУКнинг ваколатли банкдаги махсус хисоб рақамига ўтказилади (агар давлат хизмати ЯИДХII орқали кўрсатилса);

колган маблағлар Транспорт жамгармасида қолади.

20. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишининг ҳар қандай боскичидан бош тортинига ҳаклидир.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишидан бош тортган тақдирда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмайди ва тўланган йигимлар миқдори қайтарилмайди.

21. Давлат хизматлари марказига шахсан бориб мурожаат қилинганда сўровнома тўлдирилгандан кейин бир соат мобайнида сўровнома лицензияловчи органга юборилади.

ЯИДХII орқали мурожааг қилинганда сўровнома автоматик тарзда лицензияловчи органга келиб тушади.

22. Лицензияловчи орган сўровнома тушган найтдан бошлаб бир иш куни мобайнида:

электрон ҳамкорлик йўли билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошкармасидан лицензия варакаси олиш учун тақдим этилаётган автотранспорт воситаси(лар)га тегинили маълумотларни электрон сўров орқали олади;

электрон ҳамкорлик йўли билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан мулк ҳуқуки, бошқа ашёвий ҳуқук ёки ижара шартномаси асосида мавжуд автотранспорт воситалари тўгрисида маълумотларни олади;

лицензияловчи орган мазкур Регламент асосида ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлигини ва лицензия талабларига мувофиқлигини ўрганиб чикади.

23. Ариза берувчи давлат хизмати кўрсатганлиги учун белгиланган микдорда тўловлар амалга оширилишини таъминлайди.

Давлат хизматлари марказлари (ўзи шахсан келиб мурожаат қилганда) ёки ЯИДХП орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) тушган сўровномада маълумотлар тўлиқ тақдим килингандан ҳамда йигим ва давлат божлари тўлиқ тўланганлиги тасдиқлангандан кейин лицензия/лицензия варакалари расмийлаштириб берилади.

24. Лицензияловчи орган давлат божи тушган вактдан бошлаб бир иш кунида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензия/лицензия варакаларини расмийлаштиради ҳамда уни лицензияловчи орган ваколатли шахсининг ЭРИси билан тасдиклаб, тегишли давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон равишда юборади.

Давлат хизматлари маркази, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензия/лицензия варакалари тушгандан сўнг 10 дакикада уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу хақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласида. давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда ариза берувчининг сўровига кўра, унга QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензия/лицензия варакаларини электрон шаклда ёки когоз шаклда муҳрини босиб бериш йўли билан тақдим этиши мумкин.

25. Лицензия/лицензия варакаларини бериш “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад килинади.

Бунда ариза берувчи томонидан сўровнома ЭРИ ёки имзолар идентификация килингандан бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан тасдиқланмаганлиги, сўровномада, лицензия варакалари олиш учун корхона ихтиёрида бўлган автотранспорт воситалари тўғрисида ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ёхуд ариза берувчининг тегишли ихтисосликдаги ташкилот билан унга тиббий кўрик ва техник кўрикдан ўтиш имконияти берилиши тўғрисидаги шартномаси мавжудлиги ҳакидаги маълумотларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар кайд этилганлиги, лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек, танлов (тендер) шартларига номувофиқлиги ҳамда аризани кўриб чиққанлик учун йигим тўланмаганлиги, давлат хизмати кўрсатилганлиги ва давлат божи учун тўловлар амалга оширилмаганлиги давлат хизматини кўрсатилишига рад этиш учун етарли асос бўла олади.

Лицензия варакаларини беришни бошқа асосларда рад этиш қатъий тақиқланади.

Ариза берувчи лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги карор, шунингдек, лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-харакати (харакатсизлиги) устидан конун хужжатларида белгиланган тартибда ишкоят қилиш ҳукуқига эга.

26. Лицензия варакаларини бериш учун тўловлар белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, ариза берувчи лицензия варакаларини бериш юзасидан умумий тартибда қайта мурожаат қилишга ҳакли.

27. Ариза берувчига автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчининг сўровномаси барча зарур хужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлиб икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Лицензияловчи орган давлат хизматлари марказини қарор қабул қилингани тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин бир иш куни мобайнида хабардор қиласди.

28. Агар лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги сўровномани кўриб чикиш муддати мобайнида лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қилмаса, у холда кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгандан кейин ариза берувчи ўзи сўровнома берган фаолиятни, бу ҳакда лицензияловчи органни ёзма равишда хабардор қилиб, амалга ошириш ҳукуқига эга.

29. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома давлат хизматлари марказига рад этишининг аник сабаблари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни тақроран кўриб чикишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган холда ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

Лицензия беришни рад этиш ҳакидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

30. Ариза берувчи томонидан лицензия/лицензия варакаси бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, лицензия олиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни тақроран кўриб чикиш ариза берувчининг рад этиш сабаблари бартараф этилгани тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи хужжатлар олинган кундан бошлиб икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия олиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни тақрорий кўриб чикишда лицензияловчи орган томонидан ариза берувчига илгари ахборот тизими орқали электрон шаклда баён қилинмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Рад этиши сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи хужжатлар билан боялиқ бўлган рад этиш сабабларини кўрсатиш бундан мустасно.

Ариза берувчининг аризасини қайта кўриб чикишда илгари лицензия/лицензия варакаси беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия/лицензия варакаси беришни рад этишига йўл қўйилмайди.

Лицензия/лицензия варакаси бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

5-боб. Лицензия шартномаси, лицензия ва лицензия варакасини қайта расмийлаштириш

31. Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро хукук ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия шартномаси оммавий оферта шакида ЯИДХПга жойлаштирилади ва ариза бериш жараенила акцептланади.

32. Лицензиат – юридик шахс қайта ташкил этилған, унин номи ёки жойлашып жойы (почта мәнзили) ўзгарған тақдирда лицензиат ёки унинг хукукий вориси қайта рўйхатдан ўтказилғандан кейин бир ой муддатда кўреатиб ўтилған маълумотларни таедикловчи тегишли маълумотларни кўреатган холда лицензия/лицензия варакасини қайта расмийлаштириш тўғрисида давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали лицензия/лицензия варакасини қайта расмийлаштириш учун ариза берини шарт.

Лицензиат – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор)нинг фамилияси, иеми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарған тақдирда лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилғандан кейин бир ой муддатда кўреатиб ўтилған маълумотларни таедикловчи тегишли маълумотларни кўреатган холда лицензия/лицензия варакасини қайта расмийлаштириш тўғрисида давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали лицензия/лицензия варакасини қайта расмийлаштириши учун ариза берини шарт.

Лицензия/лицензия варакасини қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўреатилған фаолиятни илгари берилғап лицензия/лицензия варакаси асосида амалга оширади.

33. Лицензияловчи орган лицензия/лицензия варакасини қайта расмийлаштиришида лицензиялар ресетрига тегишли ўзгартиришлар кирилади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш тегишли маълумотлар кўреатилған холда лицензия/лицензия варакаларини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан қабул қилинган күпдан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

Лицензиялар/лицензия варакаларини қайта расмийлаштиришида ариза берувчининг лицензия/лицензия варакасини бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чикишланиши учун тўланадигап сумманинг ярми микдорида йиғим ундирилади.

6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини нazoratni назоратни амалга оширишида лицензияловчи орган:

лицензия талаблари ва шартлари бузилиши холатлари тўғрисидаги жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) ва юридик шахслар мурожаатлари асосида текширувлар ўтказади ёки лицензиат фаолияти ҳавф-тахлил натижалари бўйича текширув ўтказилиши ташаббуси билан чиқади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириши чогида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишини кўреатган холда далолатномалар (маълумотномалар) тузади;

аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиши мажбуриятини юковчи карорлар чиқаради, бундай қонун бузилишларини бартараф этиши муддатларини белгилайди;

конун хужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатни ёхуд уларни бекор килиш масаласи бўйича карор чикаради ва/ёки судга мурожаат килади:

автомобилъ транспортида йўловчилар хамда юкларни ташиш фаолиятини лицензия/лицензия варакатларисиз амалга оширишининг аниқланган ҳоллари тўгрисидаги материалларни конун хужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар кўриш учун белгиланган тартибда суд органларига юборади.

7-боб. Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор килиш

35. Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиб туриш "Фаолиятнинг" айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Конунишини 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Бунда лицензияловчи орган лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилиши муддатини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туради. Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилиш муддатини ўн иш кунидан ортик муддатга тўхтатиб туриш лицензияловчи органнинг аризасига кўра суд томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўгрисидаги карор суд ёки лицензияловчи орган томонидан лицензиатга ёзма шаклда, карор кабул қилинган (чикарилган) кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай, лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг лицензиат томонидан бартараф этиш муддати кўреатилган ҳолда етказилади.

Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф этишдан тақдирда, лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиб турилан лицензияловчи орган ёки ўзининг аризасига кўра лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилиши суд томонидан тўхтатиб тутилган орган кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бартараф этилгани тўгрисидаги тасдиқнома олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида унинг амал қилишини тиклани ёки тикланши рад этиш тўғрисида карор кабул қилиши керак.

Лицензияловчи орган ёки суднинг лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўгрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин.

36. Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиш "Фаолиятнинг" айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Конунишини 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Бунда лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиш тўгрисидаги карор куйидаги ҳолларда лицензияловчи орган томонидан кабул қилилади:

лицензиат лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат килганда;

юридик шахс тугатилганда – тугатилган вақтдан бошлаб ёки унинг фаолияти кайта ташкил этиш натижасида тўхтатилганда – кайта ташкил этиш вактидан бошлаб, унинг ўзгартерилиши бундан мустасно;

автомобиль транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халкаро йўналишлар бўйича ташибни амалга оширувчи жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор)нинг – лицензиатнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугаганда;

автомобиль транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халкаро йўналишлар бўйича ташибни амалга оширувчи жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор)нинг – лицензиатнинг муомалага лаёкатлилиги чекланганда ёки у муомалага лаёкатлсиз деб топилганда.

Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор куйидаги ҳолларда факат суд томонидан қабул қилинади:

лицензия талаблари ва шартлари мунтазам ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензияловчи орган ёки суд белгилаган муддатда лицензиат томонидан бартараф этилмагандан;

лицензияловчи органнинг лицензия/лицензия варакаси бериш тўғрисидаги қарорининг ноконунийлиги аникланганда қабул қилинади.

Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор суд ёки лицензияловчи орган томонидан лицензиатта ёзма шаклда, қарорни пухта асослаган ҳолда қарор қабул килинган (чикарилган) санадан бошлаб уч иш кундан кечикмай етказилади. Лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилиши уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул килинган санадан бошлаб тўхтатилади.

Лицензияловчи орган ёки суднинг лицензиянинг/лицензия варакасининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин.

37. Куйидагилар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг қўпол тарзда бузилиши ҳисобланади:

лицензиатнинг штатида Вазирлик томонидан белгиланган тартибда тегишли лавозимни эгаллаш учун аттестациядан ўтган, йўл харакати хавфсизлигини таъминлани учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг бўлмаслиги;

лицензиат томонидан ишлатиш учун белгиланган тартибда рухсат этилмаган ва йўлга чиқишдан олдин техник кўрикдан ўтмаган автотранспорт воситаларидан фойдаланилиши;

даврий тиббий қўриқдан ва йўлга чиқишдан олдин тиббий қўриқдан ўтмаган хайдовчиларнинг ишлашига йўл қўйилиши;

лицензия варакалари билан таъминланмаган автотранспорт воситаларига йўл варакаларининг берилиши.

38. Лицензияни/лицензия варакасини бекор қилиш “Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуниининг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ва ҳолатларда амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни/лицензия варакасини бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатта ёзма (электрон) шаклда, асосланган ҳолда қарор

қабул қилинган кунидан бошлаб уч иш күндан кечикмай етказилади. Судинни лицензияни/лицензия варакасини бекор қилин түгрисидаги карори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун хужжатларыда белгиланган муддатларда етказилади.

Бекор қилиш түгрисидаги қарор лицензия/лицензия варакасини берилган санадан бошлаб амат килади.

Лицензияни/лицензия варакасини бекор қилишда түланган давлат божи кайтарылмайды.

8-боб. Лицензиялар реестри

39. Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини коритади. Лицензиялар реестрида қуйидагилар күрсатилиши керак:

юрилик шахснинг номи, унинг таниклий-хуқуқий шакли, почта маизили, телефони;

жисмоний шахе (якка тартибдаги тадбиркор) юк ташинни амалга ошириш бўйича лицензиат учун фамилияси, исми, отасинин исми, яшаш жойи;

лицензия ва лицензия варакасининг берилган санаси ва тартиб раками;

лицензия варакасининг амал қилиш муддати;

автотранспорт воситасинин русуми ва давлат рўйхатидан ўтказилган раками;

фаолият турига берилган лицензиялар тўгрисидаги маълумотлар;

лицензия/лицензия варакаларини қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиқлашнинг асослари ва санаси;

лицензия/лицензия варакаларининг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензия/лицензия варакалариниг бекор қилининг асослари ва санаси.

40. Лицензия/лицензия варакаларининг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органинг веб-сайтида жойлаштирилади ва танишини учун очик бўлади.

9-боб. Давлат божи тўлаш тартиби

41. Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юқтарни шахарда, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро йўналишилар бўйича ташинига лицензия варакалари берилганини учун давлат божи миқдорлари ва уларнинг тақсимланиши хамда қайси максадларда иплатилиши Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Автотранспорт воситалари сони тўлдирилган (кўнайтирилган) тақдирда давлат божи ҳар бир лицензия варакаси учун қўшимча равишда уидирилади.

Автотранспорт воситасининг юк кўгариш ёки йўловчи сигими кўнайнини муносабати билан лицензия варакасини қайта расмийлаштиришда давлат божи уидирилмайди.

10-боб. Якунловчи қондалар

42. Давлат хизматлари марказлари ва лицензияловчи орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларниң сир сакланишини таъминлайди.

43. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органдари ва бошқа ташкилотларниң фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назоратни амалга оширади ва мониторин олиб боради.

44. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиншилари мумкин.

45. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни
шахарда, шаҳар атрофида, шаҳарларо ва халқаро
йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш
юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг
мъумурий регламентига
I-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

LITSENZIYA
LICENCE
ЛИЦЕНЗИЯ

Seriya:
Serial:
Серия:

AT № _____

Faoliyat turi:
Type of activity:
Вид деятельности:

Litsenziya egasi:
Licence owner:
Владелец лицензии:

Poçta manzili:
Postal address:
Почтовый адрес:

Bank rekvizitlari va STIR:
Bank reference and TIN:
Банковские реквизиты и ИНН:

Berilgan sanasi:
Date of issue:
Дата выдачи:

Amal qilish muddati:
Date of issue: from _____ dan
Срок действия лицензии: с _____ до _____

Litsenziya beruvchi organ:
Licence issued authority:
Орган выдавший лицензию:

Quysi xujjatga asosan berilgan:
Issued on the basis of:
Выдано на основании:

Litsenziya reyestrda:
The licence is registered in Register Board under №:
Лицензия зарегистрирована в реестре за №:

-sonli raqam bilan qayd etildi

QR-KOD

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни
шахарда, шаҳар атрофида, шаҳарларо ва халқаро
йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш
юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг
мамъурий регламентига
2-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

LITSENZIYA VARAQASI
LICENCE CERTIFICATE
ЛИЦЕНЗИОННАЯ КАРТОЧКА

Seriysi:

Serial:

Серия:

AT № _____

Ruxsat etilgan faoliyat:

Permitted actives:

Разрешенная деятельность: _____

Egasi va manzili: _____
Owner's address:
Владелец и адрес: _____

Transport vositasi: _____
Transport means: _____ (rusumi) (model) (marka)
Транспортное средство: _____

(davlat raqami) (federal number) (гос.номер)

Berilgan sanasi:
Date of the issue:
Дата выдачи: _____

Amal qilish muddati:
This licence valid: from _____ dan _____ gacha
Срок действия: с _____ по _____

Litsenziya varaqasini berган орган:
The organization, each issue the licence:
Орган выдавший лицензионную карточку: _____

Asos:
The basis:
Основания: _____

(berilgan vaqt) _____
(date of issue)
(дата выдачи)

(seriyasi) _____
(serial)
(серия)

(raqam) _____
(number)
(номер)

litsenziyaga usosan berilgan
licence the issue
выдана на основании



QR-КОД

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарларо ва халқаро йўналишлар бўйича ташиб фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
З-илова

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиб фаолиятини лицензиялаш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кўллаган холда лицензия ва лицензия варакаларини электрон шаклда расмийлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш

СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Ариза берувчи	1. Лицензия ва лицензия варакалари олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш. 2. Маъмурий регламент ва оммавий оферта билан танишиб чикиш. 3. Давлат хизматини кўрсатиш учун йигим тўлаш.	1. Хохишига кўра 2. Мурожаат қилганда
2-боскич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Сўровномани лицензияловчи орган (Транспорт вазирлиги)га юбориш.	1. 1 соат мобайнида 2. Автоматик тарзда
3-боскич	Лицензияловчи орган (Транспорт вазирлиги ва худудий бошқармалари)	1. Ариза берувчини лицензия талаб ва шартларига мослигини ўрганади. 2. Ариза берувчини лицензия талаб ва шартларига номувофик деб топилган тақдирда давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали лицензия беришни рад этиш тўрисида қабул килган қарори юзасидан хабар юбориш.	1. 1 иш куни 2. 1 иш куни
4-боскич	Давлат хизматлари маркази	Ариза берувчини (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) қабул қилинган қарор хакида ҳамда лицензия/лицензия варакалари бериш учун ўрнатилган тартибида давлат бози тўловларини амалга ошириш тўрисида хабардор қилиш.	1 соат мобайнида
5-боскич	Ариза берувчи	Лицензия/лицензия варакалари бериш хакида қарор келиб тушгандан сўнг, лицензия варакалари бериш учун давлат бози тўловлари амалга оширилади.	3 ой мобайнида
6-боскич	Лицензияловчи орган (Транспорт вазирлиги ва худудий бошқармалари)	1. Ижобий қарор мавжудлиги ва лицензия/лицензия варакалари бериш учун тўловлар тўланганидан сўнг QR код билан химояланган лицензия/лицензия варакаларини ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб расмийлаштириш. 2. Лицензия/лицензия варакаларини (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юбориш.	1 иш кунида
7-боскич	Давлат хизматлари маркази	Лицензия/лицензия варакасини талабгорга ўзи шахсан келганда унга ўз муҳрини кўйини йўли билан бериш.	1 соат мобайнида

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

(санса)

(ракам)

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятига лицензия бериш юзасидан давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА

**I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот – жисмоний шахс
(якка тартибдаги тадбиркор):**

1. Лицензияланадиган фаолият тури				
2. Ф.И.Ш.				
3. Паспорт маълумотлари (серия ва раками)				
4. Хайдовчилик гувохномаси (серия, раками ва категория)				
5. СТИР				
6. МФО				
7. Ҳисоб раками				
8. Хизмат кўрсататиган банк номи				
9. Манзил				
10. Телефон раками				
11. Электрон почта манзили				
12. Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш бўйича маълумотлар	Ўз худудида борлиги		Шартнома асосида	
		№	Санаси	Шартнома тузилган ташкилот номи

II. Ариза берувчи тўғрисида маълумот – юридик шахс:

1. Лицензияланадиган фаолият тури				
2. Ташкилотнинг тўлиқ номи				
3. Мулкчилик шакли				
4. СТИР				
5. МФО				
6. ОКЭД				
7. Ҳисоб раками				
8. Хизмат кўрсататиган банк номи				
9. Асосий фаолият тури				
10. Юридик манзили				
11. Телефон раками				
12. Электрон почта манзили				
13. Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш бўйича маълумотлар	Ўз худудида борлиги		Шартнома асосида	
		№	Санаси	Шартнома тузилган ташкилот номи
14. Штатда белгиланган тартибда аттестациядан ўтган мансабдор шахсларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумот				

**Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида,
шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятига лицензия
варақасини бериш юзасидан давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

**I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот – жиесоний шахс
(якка тартибдаги тадбиркор):**

1. Лицензияланадиган фаолият тури	
2. Лицензия раками	
3. Берилган сана	
4. Телефон раками	
5. Электрон почта манзили	

II. Ариза берувчи тўғрисида маълумот – юридик шахс:

1. Лицензияланадиган фаолият тури	
2. Ташкилотнинг тўлиқ номи	
3. Мулкчилик шакли	
4. Лицензия раками	
5. Берилган сана	
6. Телефон раками	
7. Электрон почта манзили	
8. Штатда белгиланган тартибда аттестациядан ўтган мансабдор шахсларнинг мавжудиги тўғрисидаги маълумот	

**Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарларо ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
5-илюва**

Лицензия варақаларини олиш учун ташкилот ихтиёрида бўлган автотранспорт воситалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юқларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва ҳалкаро йўналишлар бўйича ташни фоалиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 6-илова

**Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ёхуд ариза берувчининг тегишли ихтисосликдаги ташкилот билан унга тиббий кўрик ва техник кўрикдан ўтиш имконияти берилниши тўғрисидаги шартномаси мавжудлиги ҳакидаги
МАЪЛУМОТ**

худудида автотранспорт воситаларига ТХ-1, ТХ-2 ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Тацкилотининг тиббий хонаси барча тиббий жихозлар билан таъминланган.

Ташкилотда автотранспорт воситасини техник жиҳатдан соз ҳолда сақлаш, уни асрар, техник кўрикдан ўтказиш, техника хавфсизлигини таъминлаш учун барча шароитлар мавжуд, автотранспорт воситаларини йўлга чиқишдан олдин техник кўрикдан ташкилот механизми ўтказади ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ташкилот тиббий ходими ўтказади.

Автотранспорт воситасиларини кундалик техник кўрикдан ўтказиш ва ҳайдовчиларни кундалик тиббий кўрикдан ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар лицензия шартномаси шартларига мос келади.

**Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ёхуд ариза берувчининг тегишли ихтисосликдаги ташкилот билан унга тиббий кўрик ва техник кўрикдан ўтиш имконияти берилиши тўғрисидаги шартномаси мавжудлиги ҳакидаги
МАЪЛУМОТ**

га тегишли автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун билан йил ойида -сонли шартнома тузилган.

Ушбу тузилган шартномага асосан гаражи худудуда ходимлари томонидан автотранспорт воситаси кундалик техник кўрикдан ва ҳайдовчи кундалик тиббий кўрикдан ўтказилади.

Автотранспорт воситасини кундалик техник кўрикдан ўтказиш ва ҳайдовчиларни кундалик тиббий кўрикдан ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар лицензия шартномаси шартларига мос келади.



Вазирлар Махкамасининг
2019 йил "30" июлдаги 636-сон карорига
2-илюва

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия варақалари берилганлиги учун уидириладиган давлат божи миқдорлари

T/р	Фаолият түри	Сигими (йўловчи ўрни ва юк кўтариш куввати)	Автомотранспорт воситасининг бир бирлиги учун 1 йилга давлат божи суммаси (энг кам ойлик иш ҳақи карралигига)
1	Йўловчиларни шахарда автобусларда ташиш	14 ўрингача	1,0
		14 ўриндан ортиқ	2,5
2	Йўловчиларни шахарда микроавтобусларда ташиш	1 та транспорт воситаси учун	8,0
		4 ўрингача	2,0
3	Йўловчиларни шахарда енгил автомобилларда ташиш	4 ўриндан ортиқ	3,5
		19 ўрингача	2,0
4	Йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш	19 ўриндан ортиқ	4,0
		1 та транспорт воситаси учун	8,0
5	Йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш	4 ўрингача	2,0
		4 ўриндан ортиқ	3,5
6	Йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш	30 ўрингача	6,0
		30 ўриндан ортиқ	16,5
7	Йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш	1 та транспорт воситаси учун	19,5
		12 ўриндан ортиқ	28,0
8	Йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш	1 та транспорт воситаси учун	5,5
		1 та транспорт воситаси учун	22,0
9	Йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича енгил автомобилларда ташиш	1 та транспорт воситаси учун	7,0
		3,5 тоннагача	1,0
10	Йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш	3,5 тоннадан 10 тоннагача	2,5
		10 тоннадан 16 тоннагача	4,0
		16 тоннадан ортиқ	5,5
		3,5 тоннагача	2,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	4,0
11	Йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш	10 тоннадан 16 тоннагача	5,5
		16 тоннадан ортиқ	7,0
		3,5 тоннагача	1,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	2,5
		10 тоннадан 16 тоннагача	4,0
12	Йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича енгил автомобилларда ташиш	16 тоннадан ортиқ	5,5
		3,5 тоннагача	2,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	4,0
		10 тоннадан 16 тоннагача	5,5
		16 тоннадан ортиқ	7,0
13	Юкларни автомобиль транспортида шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш	1 та юк кўтарувчи транспорт воситаси учун	7,0
		1 та юк кўтариш куввати	7,0
14	Юкларни автомобиль транспортида шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш	1 та юк кўтариш куввати	7,0
		1 та юк кўтариш куввати	7,0
		1 та юк кўтариш куввати	7,0
		1 та юк кўтариш куввати	7,0
		1 та юк кўтариш куввати	7,0
15	Юкларни автомобиль транспортида халқаро йўналишлар бўйича ташиш	1 та юк кўтариш куввати	7,0